



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 22 апрель, № 79 (6514)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солишдаги таклифлар кўриб чиқилди

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида депутатлик корпуси олдида қабул қилинадиган қонунлар, уларга киритиладиган ўзгариш ва қўшимчаларни амалиётга татбиқ этишнинг аниқ механизмларини жорий қилиш, қонун ҳамда қонуности ҳужжатларининг қодаларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича бир қатор муҳим вазифалар кўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталарида бу йўналишдаги ишлар тизимли асосда йўлга қўйилган бўлиб, жамият ҳаётининг у ёки бу соҳасини тартибга солувчи қонунларни қабул қилишда уларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига таъсирини ошириш, амалдаги қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий «камчиликларни», «ишламаётган» ва «икки ёқлама талқин қилинаётган» нормаларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Парламент кўйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг навбатдаги йиғилишида қўмита аъзолари томонидан йил давомида ўтказилган инвентаризация яқунлари билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Хусусан, унда «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим моддалари амалиётда қай даражада ишлаётгани муҳокама этилди.

Қўмита аъзоларининг таъкидлашича, ўрганиш давомида мазкур Қонунда қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари риоя этиши шарт бўлган қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш бўйича аниқ қодалар белгиланмаганлиги, шунингдек,

Зиёда АШУРОВА.

акциядорлик жамиятлари томонидан қимматли қоғозлар бозоридида ахборотни ошқор қилишга доир қодаларнинг икки ёқлама талқин қилиниши ҳолатлари аниқланган.

Муҳокамадан сўнг қўмита аъзолари ишлаб чиқилган таклифлар асосида ушбу Қонунни янада такомиллаштириш, унинг айрим моддаларини «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бир хиллаштиришга қаратилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш лозимлиги тўғрисида ҳулосага келишди. Таклиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозори ҳамда биржалар фаолиятида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётининг амал қилиши, унинг иштирокчилари, шу жумладан, акциядорлар ва инвесторлар манфаатлари таъминлаши ҳамда миллий қимматли қоғозлар бозорининг жаҳон бозорига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масала юзасидан «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича қарор қабул қилинди.

Сурхондарё вилояти:

БУНЁДКОР ЭЛ ШИЖОАТИ

Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга доир манзилли дастурлар ҳудудни ҳар томонлама раванқ топтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар узлуксизлигини ўзида яққол ифода этиб, воҳа аҳли кучига куч, ғайратга ғайрат, шижоатига шижоат қўшмоқда.

Ҳозирги кунда бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишларининг кўлами кенг, суръати юксак. Энг муҳими, ана шу бекиёс янгиланишлар одамларни эзгу мақсадлар атрофида жипслаштириб, кўнгилларида фахру ифтихор, қувончу сурур ҳисларини жўш урдираяпти, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаётир.

ОБОД МАНЗИЛЛАР



Вилоят маркази — Термиз шаҳридаги ўзгаришларни айтмайсиими?! Унинг бугунги жамолани кўриб кўз қувнайди. Ҳар маҳаллада — қурилиш, ҳар гузарда — кўкаламзорлаштириш. Хонадонлардаги тотувилик, баракка бутун кентга файзу тароват бахш этиб тургандек, гўё.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Термизда замонавий шаҳарсозлик аъёнларига мос кўлаб ижтимоий соҳа объектлари

бунёд этилди. Аэропорт, темир йўл вокзали модернизация қилинди. Султон Саодат, Навоий, Истиклол, Баркамол авлод кўчаларида муҳташам тураржойлар қад ростлади. Худуд марказида жаҳон андозларида мос янги деҳқон ҳамда буюм бозорлари фойдаланишга топширилди. Албатта, буларнинг барчаси — халқимиз турмуш фаровонлиги, саодати, ёрқин келажаги учун! Зеро, кел-

гуси авлодларга биздан овоз ва обод Ватан қолсин, деб таъкидлайди Юртбошимиз. Янгидан қурилган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, «Сурхон» спорт мажмуаси, Ёшлар маркази, «Бахт уйи» каби иншоотларда яратилган қулайликлар мисолида бунга яна бир қарра иқдор бўламан. Қолаверса, ўтган йили шаҳарнинг шимол қисмида ёш оилалар учун

Шаҳар марказидаги 700 ўринга мўлжаллаб қурилаётган Санъат саройи, Хотира майдони мажмуаси, мукамал таъмирланаётган Термиз археология музейи бу борадаги эзгу ишларнинг дебочасидир. Кейинчалик улар қаторига амфитеатр, умумий овқатланиш ва дам олиш масканлари, аттракционлар, автомобиль тўхташ жойлари ҳамда бошқа кўлаб иншоотлар қўшилади. Паскам ва кўримсиз уйлар ўрнини биринчи қавати тури хизмат кўрсатиш объектлари, қолган қаватлари тураржойлардан иборат бинолар эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, «Амударё» спорт-соғломлаштириш маркази ҳам бунёд этилаёти.

Президентимизнинг 2015 йил 22 майдаги қарори асосида тасдиқланган 2015—2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури Термиздаги янгиланишларни навбатдаги босқичга кўтармоқда. Шунга мувофиқ, худуд қиёфасига мос яшил майдонлар, хиёбонлар, автомобиль йўлларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий соҳа ҳамда бозор инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш, экологик муҳитни яхшилаш, уй-жой фондини кенгайтириш борасида яхлит чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир.

(Давоми 2-бетда).

Олижаноб ва умрбоқий қадриятлар ифодаси

Инсон хотиралар билан яшайди. Кечаги куннинг машаққатларини эслаб, оғир дамларни бугунги фараҳбахш ҳаёт нуқтаи назаридан муқояса қилсак, яхшиликни улуғлаб яшагача кўпроқ интиламиз. Юртбошимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиши замирида ҳам кишиларни эзгуликка ундаш фалсафаси муҳжасам.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Муҳими, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни ёд этиш, тиркиларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам қарор толмақда. Тарихдан сабоқ чиқариб, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни

такрорламай, миллий ўзликини англаган ҳолда, музаффар аждодларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоди эканимизни унутмай яшамокдамиз. Зеро, бу ёруғ ва дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод

этиш, мўътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш бизга катта қувват бағишлайди, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлайди.

Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва

фронт ортида меҳнат қилганлар, ҳалок бўлганларнинг оилаларига пенсия ҳамда нафақалардан ташқари, ҳар йили турли кўринишда ижтимоий ёрдам кўрсатишмоқда. Уларнинг санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар арава-чалари ҳамда бошқа тегишли воситалар билан таъминлашига, бир қанча имтиёزلардан фойдаланишига катта эътибор берилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ

Бугунги глобаллашув даврида озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этишнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани фуқароларнинг соғлом ҳамда фаровон ҳаёт кечирини кафолатлашда муҳим омил бўлаётир.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим қадам

Бинобарин, мустақилликнинг илк йиллариданоқ аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига аҳоли дастурхони фаровонлигига хизмат қилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева-сабзавот етиштириляпти.

Юртимизда озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати жадал ривожланмоқда. Агрисаноатни модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми тобора ортиб бораёпти. Шунинг баробарида, аҳолини йил давомида мева-сабзавотлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида замонавий андозлар асосида иссиқхоналар бунёд этиш, боғлар, тоқорлар майдонини кенгайтириш, етиштирилган ҳосилни куз-қиш даврида сифатли сақлаш имконини берадиган омборхоналар барпо этиш саъй-ҳаракатлари ҳам ало-

ҳида эътибордаки, бу озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотининг барқарорлигига, бошқача айтганда, аҳоли дастурхони фаровонлигига хизмат қилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева-сабзавот етиштириляпти. Аҳоли жон бошига қарий 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўри келади. Бу халқро нормаларга кўра мақбул, деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Таъкидлаш ўринлики, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 апрелда қабул қилинган «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шубҳасиз, мазкур соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқади.

(Давоми 2-бетда).

Ризқ-рўзимиз манбаи

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 22 апрель — Бутунжаҳон Ер куни сифатида эълон қилинган бўлиб, мазкур сана дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзига хос тарзда нишонлаб келинмоқда.

22 АПРЕЛЬ — БУТУНЖАҲОН ЕР КУНИ

Сир эмас, ҳозирги кунда сайёрамиз аҳолисининг сони ошиб бориши баробарида, атроф-муҳит ва табиий бойликларга антропоген таъсирнинг ортиши, ўрмонларнинг кесилиши, экинзорларга нотўғри ишлов бериш каби омиллар она-табиатга жиддий зарар келтираяпти. Чўлланиш жараёни тезлашиб, ҳар йили 25 миллион гектар ер саҳрога айланаётир.

Узбекистонда 4,28 млн. гектар суғориладиган экин майдонлари мавжуд бўлиб, унинг 2,5 млн. гектарга яқини турли даражада шўрланган. Уз-ўзидан аёнки, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш,

мелиорация ишларини янада яхшилаш, аграр соҳага инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Албатта, юртимизда шу мақсадда қатор чора-тадбирлар олиб бориляпти. Бу борада яратилган ҳуқуқий пойдевор, хусусан, Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳамда бошқа тегишли қонунлар ер ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишда дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Самарқанд шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида коллежлар битирувчилари ўртасида «Касб маҳорати» кўргазмаси, «Энг яхши мутахассис» ҳамда «Энг яхши бизнес лойиҳа» кўрик-танловлари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда касб-хунар коллежларидаги 39 та ихтисослик йўналиши бўйича 1,5 минг нафарга яқин битирувчи ўз билим ҳамда касб маҳоратини намойиш этди.

Шаҳардаги педагогика ва хизмат кўрсатиш, олимпия захиралари, туризм ва маиший хизмат касб-хунар

Малакали мутахассислар

ҳар бир соҳа ривожидида алоҳида ўрин тутади

коллежлари, тиббиёт институти қошидаги 2-академик лицейда ўтказилган тадбирларда кичик мутахассислик дипломига эга бўлаётган йигит-қизларнинг йўналишлар бўйича тақдимотлари вилоят жамоатчилиги, қорхона ҳамда ташкилотлар мутахассислари, мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, компьютер технологиялари, маиший хизмат техника-

лари, тиббиёт, тикув-трикотаж, қурилиш-монтаж, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, электр, газ, сув таъминоти тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш, дурадгорлик, мебель ишлаб чиқариш, пайвандлаш каби ихтисосликларнинг эгалланган ёшларнинг иқтидори кўпчилигининг эътирофига сазовор бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишлари-дан бири оналик ва болалик муҳофазасидир. Жорий йилда у янада жадал сурат ҳақида кенг кўлаб касб этмоқда. Президентимиз томонидан тасдиқланган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури бу борада асос бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжатда қучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда айна соҳада қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш устувор вазифалардан қилиб белгиланган.

Оила, оналик ҳамда болаликни муҳофазалашнинг ҳуқуқий пойдевори, бу соҳада ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари, уларнинг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек, эрта никоҳ ҳамда ажрашишларга йўл қўймаслик, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикка тўлиқ қамраб олиш бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бошқармаси бошлиги Дилбўр ЁҚУБОВА муҳбиримизга қуйдагиларни сўзлаб берди:

овқатида генетик модификациялаштирилган организмларни қўллашга таъқиқ жорий этишга йўналтирилган қонун лойиҳалари кўзда тутилади. Албатта, оиланинг мустаҳкамлиги, ундаги соғлом муҳитнинг барқарорлиги, сўзсиз, фарзандлар камолотига хизмат қилади. Ва аксинча, оиладаги носоғлом муҳитнинг асосий жабрланувчилари ҳам кўпинча болалар бўлади. Тахлиллардан кўринадики, оилавий низоларнинг аксарияти эрта никоҳ туфайли юзага келаётир. Бинобарин, ҳали мустақил ҳаётга тайёр бўлмаган, ўз қизиқиши ва лаёқатига кўра бирор касб-ҳунар-

ларни, бу борада фуқароларнинг конституцийвий ҳуқуқ ва мажбуриятларини аҳолининг кенг қатламига етказиш, мустаҳкам, соғлом оилалар вужудга келиши учун ёшларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини, масъулиятини юксалтириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширомоқда. ФХДЭ органлари томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида “Еш оила курувчилар мактаби” машғулотлари йўлга қўйилган бўлиб, ўтган йили мазкур машғулотларга 315 мингга яқин ёшлар жалб қилинди. Бундан ташқари, ФХДЭ органлари қошидаги “Оила дорилфунуни” сабоқларида 350 мингдан зиёд, жумладан, 221 минг 242 нафар никоҳланувчи шахс қатнашди. “Соғлом оила — мустаҳкам оила” тамойили асосида олиб бориладиган тушунтириш ишлари натижасида 2 минг 400 дан ортиқ эрта никоҳлар ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги 2 мингдан зиёд никоҳларнинг олди олинди.

Шу ўринда бугун ёшларимиз никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш соғлом оила барпо этишнинг гарови эканини чуқур англаб етатиётганини таъкидлашни истардик. Никоҳдан ўтиш учун ариза берган фуқароларимиз (асосий қисми 20 ёшдан 35 ёшга қадар бўлган йигит-қизлар)нинг деярли барчаси ўз хоши-иродаси, ихтиёри билан тиббий кўриқдан ўтиб, шифокорлар хулосасини олишга тайёр, ўзи ва бўлгуси турмуш ўртоғининг саломатлиги ҳақида маълумотга эга бўлгани ҳолда, никоҳни расмийлаштираётгани ёшларимизда соғлом оила қуриш, соғлом насл қолдириш масъулияти юксалиб бораётганини кўрсатади.

Ўтган йили республикамиздаги ФХДЭ органлари томонидан 600 мингга яқин никоҳланувчи шахсларга тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлнамалар берилди. Умуман олганда, никоҳдан олдинги тиббий кўрик келгусида бефарзандлик ёки йигит ёхуд қизнинг саломатлиги билан боғлиқ нохушликлар боис келиб чиқishi мумкин бўлган ажрашишларнинг камайишида муҳим ўрин тутмоқда.

ни эгалламаган ёш қизларнинг зиммасига оила масъулиятини юклаган қўйиш оилавий муносабатларнинг дарз кетиши, гоҳида жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан ривожланмаган болаларнинг туғилиши каби нохуш оқибатларга олиб келади. Мазлумки, 2013 йил 30 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун мана шундай ҳолатларни бартараф

этиш ҳамда уларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, никоҳ муносабатларига киришишда қонунда кўрсатилган никоҳ ёшига амал қилмаганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди. Жойларда адлия органлари шу каби қонун ҳужжатларининг маъмурий моҳиятини, миллий қонунчиликнинг оила институтига тегишли ўзгариш ҳамда қўшимча-

Соғлом оила соғлом оилада туғилади, камолга етади. Юртимизда оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг фаолигини ошириш йўлида олиб борилаётган сайёҳатлар, шубҳасиз, ёш авлод бахту иқболига қаратилган. Зеро, оналар ва болалар соғломлиги, оила институтининг ривожланиши давлатнинг, жамиятнинг салоҳиятини ҳамда истиқболни белгилайди.

Фарида МАҲҚАМОВА
эзиб олди.

МАДАНИЯТ хабарлари



И. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида “Ўзбекистон — бағрикенг диёр” деб номланган фотоқўرғазма очилди.

Бағрикенг диёр тараннуми

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган ушбу тадбирда тақдим этилган асарларда ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳасида эришилган муваффақиятлар, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, обод ва фаровон турмушимиз, жумладан, шаҳару қишлоқларимиздаги ўзгаришлар, ободонлаштириш ишлари, Ватанимизнинг бетакрор табиати ифодаланган.

Эътироф этиш жоизки, бундай қўрғазма бугунги кунга қадар республикамизнинг барча вилоятида ташкил этилиб, уларга минглаб ёшлар таширф буюрди.

Дилфуза ҚАРШИБОВА.

Маҳорат сабоқлари

...Бугун Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий қўрғазмалар залига тугаш ям-яшил ҳудуд, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри рўпарасидаги ҳамда Камолитдин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейи атрофидаги хиёбон чинакам ижод майдонига айланган.

Зеро, ушбу масканларда Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн, Тошкент архитектура-қурилиш, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтлари, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари, рассомлик ва дизайн коллежлари, Бадиий академия тизимидаги таълим масканлари ўқувчилари тасвирий ҳамда амалий санъатнинг турли йўналишларида суратлар чизиш билан банд.

— Бундай катта тадбирда илк бор иштирок этишимиз, — дейди Самарқанд иختисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиси Меҳрож Сангиров. — Биз ҳафталик доирасида ташкил этилган қўрғазмаларни томоша қилдик, маҳорат сабоқларида қатнашдик. Қолаверса, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида, музейларда бўлди. Тасвирий ва амалий санъат фестивали доирасида қўрғазма ҳамда маданий-маърифий, илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Хусусан, қуни кеча Тошкент Фотосуратлар уйида Соғлом она ва бола йилига бағишланган қўрғазма очилди. Ундан Бадиий иходкорлар уюшмаси аъзоларининг куллолик йўналишидаги 600 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Тасвирий санъат байрами доирасида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари томонидан тайёрланган миллий либослар кўриги, уста-хунармандлар, мусаввирлар иштирокида маҳорат сабоқлари, “Санъат ва санъатшунослик ёшлар нигоҳида” мавзюда республика ёшлар анжумани ҳам ўтказилди. Ҳафталик давом этмоқда.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Мусаввир нигоҳидаги олам

Урганч Суратлар галереясида Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Собиржон Собировнинг “Мусаввир нигоҳидаги борлик” деб номланган шахсий қўрғазмаси иш бошлади.

Соғлом она ва бола йилига бағишланган ушбу қўрғазмадан рассомнинг портрет, манзара, натюрморт жанрларидаги 50 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Ижодкорнинг “Ов”, “Амударё қирғоғи”, “Хива. Эрта тонг”, “Атиргуллар натюрморти”, “Хивадаги тандир” каби асарлари қўрғазмага таширф буюраётганларда, айниқса, алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Икром ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти Шоира Исроилова турмуш ўртоғи Исмоил ИСРОИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектура кафедраси мудири Мурат МИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этди.

“Узавнефтантинспекция” жамоаси инспекция марказий аппарати ишларни бошқариш муҳандиси Музробиддинхўжа Тулаҳўжаева отаси Музаффархўжа ТУЛАХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Оила мустаҳкам бўлса — жамият барқарор

— Ҳар қайси миллат маънавиятини шакллантириш ҳамда юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқасдир. Чунки энг соф ҳамда покиза туйғулари, ҳалоллик, ростгўйлик, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар, энг аввало, оила шароитида камол топади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга муҳим ижтимоий вазифа сифатида эътибор қаратилгани замирида ҳам ҳар томонлама соғлом, миллий ва умминсоний қадриятларга садоқатли авлодни тарбиялаш мақсади мужассамдир.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз Конституциясида оила ҳамда оилавий муносабатлар муҳофазаси ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Асосий Қонунимизда “Оила” боби мавжуд бўлиб, унда оила жамият ва давлат ҳимоясида экани, никоҳнинг ихтиёрийлик ҳамда тенг ҳуқуқликка асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навабатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурлиги кўрсатилган. 1998 йилда қабул қилинган Оила кодекси ҳамда оила институтини ривожлантиришга қаратилган бошқа қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари замирида айнан ана шу

тамойил ва қоидалар ўз ифодасини топган. Масалан, Оила кодексидан никоҳ шартномаси институти, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одат ҳамда аънаваларнинг қўлланилиши, қон-қардошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, алимент тўлашга оид мажбуриятлар сингари қатор қоидалар жамланган.

Она ва бола манфаатларининг ҳуқуқий ҳимояси уларнинг саломатлигини асраш, моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бериш учун аёлларга зарур шароитларни яратишга асосланади. Соғлом она ва бола йилида “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси доирасидаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Амалиётга изчил татбиқ этилаётган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланаёпти. Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тартибга солувчи механизмларни такомиллаштириш мақсадида “Соғлом оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида ижти-

мой ҳимояга муҳтож бўлган ёшлар (кам таъминланган ёш оилалар)ни қўллаб-қувватлаш янада кучайтиришга доир нормалар, “Васийлик ва ҳомилик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги

2016 йил — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

қонун лойиҳасида болаларнинг соғлом оилада яшаш ҳамда тарбия олиш ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бундан ташқари, Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга (бола тарбияси учун таътилга чиқишидан қатъи назар) нисбатан жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган тузатишлар киритиш, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига таркибидан модификациялаштирилган организмлар бор бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келиш ва истеъмол қилишни чеклашга, шунингдек, болалар

Корхона муваффақиятининг сири

Ишлаб чиқариш-ни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда саноат тармоқларига инвестициялар фаол жалб этилаётгани, айниқса, қутилган самараларни бермоқда.

ИЗЛАНИШ

Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги “2013 — 2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори асосида воҳода ўтган давр мобайнида 308,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига 432 та саноат корхонаси фаолият бошлагани, пировардида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 баробар ортигани ана шундан далолат беради. Урганч шаҳридаги “Daritall Shoes” масъулияти чекланган жамиятида



80 киши меҳнат қилади. Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхона маҳсулотлари сифати ва дизайн жиҳатидан хорижидан асло қўлишмайди. Айниқса, ишчилар оёқ кийимлари, эркаклар ва болаларнинг барча мавсумга мўлжалланган пойабзаллари харидорларга манзур бўлмоқда. 2009 йилда ташкил этилган ушбу жамият жамоаси томонидан ўтган даврда 1,5 миллиард сўмликдан ортиқ инвестициялар ўзлаштирилиб, цехлар Италия ва Германиядан келтирилган ускуналар

билан жиҳозланди. Шунингдек, бўш турган бинолар таъмирланиб, йирик савдо маркази ишга туширилди. Жорий йилда эса яна 300 миллион сўм миқдоридан инвестиция жалб этиш мўлжалланмоқда. — Яратилган шарт-шароитлардан умумий фойдаланиш, бозор талабидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиш муваффақият гаровидир, — дейди жамият раҳбари Бекмамат Бобонов. — Бизнинг энг катта ютуғимиз ҳам шунда. Яъни берилган имкониятлар туфайли цехларимизни замонавий технологик ускуналар билан тўлиқ

таъминладик. Қолаверса, маҳсулотларимизнинг барчаси маҳаллий ҳам ашёдан, яъни табиий чармдан тайёрланаёпти. Бу пойабзалларни харидорларга мақбул нархларда тақлиф қилиш имконини бераётир. Жорий йилда 100 минг жуфтдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб бериш, болалар пойабзалларини эса экспортга йўналтириш ниятида ҳаракат қилаёямиз. Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Шомирот ШАРАПОВ олган сурат.

Саноат салоҳияти намоёиши

Навоий вилоятида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда бошқа вилоятлардан ташриф буюрган икки юздан ортиқ саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

ЯРМАРКА

Таъкидлаш керакки, мазкур тадбирнинг аънаваный тарзда ўтказилиши хусусий сектор ҳамда йирик саноат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, ушбу анжуман эндигина бозорга кириб келаётган тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулот ва хизматларини тақдим қилишга қулай имконият туғдираётти. — Ярмаркада иккинчи бор қатнашмоқдамиз, — дейди Зарафшон шаҳридаги “Evo-Noti” хусусий корхонаси раҳбари Нигора Ялғашева. — Ассан, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Цехларимиз хорижнинг энг йилғу ускуналари билан жиҳозланган. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Ушбу биржа савдолари тажриба орттириш, янги ҳамкорлар топишимизда алоҳида ўрин тутмоқда.

Тадбирда намоёиш қилинган саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, трикотаж буюмлари, маший техника ва тиббиёт жиҳозлари, кимё ҳамда қон саноати учун зарур бўлгучи қисмлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, ярмарка мобайнида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида тайёрланган импорт ўрнини босувчи янги турдаги маҳсулотлар тақдимотлари ҳам ўтказилди. Биржа савдолари якунида ишлаб чиқарувчилар ва турли ташкилотлар ўртасида маҳсулот ҳамда хизматлар хариди бўйича умумий қиймати 30 миллиард сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди. Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикасида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Ватанга муносиб фарзандлар

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур акция доирасида сенаторлар, депутатлар, танкили ёзувчи ва шоирлар, олимлар, спортчи ҳамда санъаткорлар, иқтидорли йигит-қизлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказилди.

Тадбирларда сўзга чиққанлар юртимизда жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган изчил сазй-ҳаракатлар юксак самаралар бераётганини таъкидлашди. Бинобарин, ушбу фестивал ҳам ёшларни ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маърифий ислохотлар, ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгариш ва янгилашлар билан янгидан таништириш, уларда дахлдорлик туйғусини кучайтириш орқали “оммавий маданият” ҳамда бошқа иллатлар таъсирдан асраш, қалбида Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтиришга қаратилган.

— Фестиваль доирасида Амударё, Бөрүний, Тўртқўл, Эллиққалъа, Тахтақўпир, Қораўзақ, Чимбой, Кегейли ҳамда бошқа шаҳару туманларда депутатлар, тадбиркорлар, ёш олимлар, шоирлар, актёрлар, спортчилар иштирокида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Абатбай Данияров. — Хусусан, “Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!” лойиҳаси асосида спорт мусобақалари, “Сиз севган қаҳрамонлар” ва “Замонамиз қаҳрамонлари” мавзу-

ларида танкили иходкорлар ҳамда эстрада хонандалари билан учрашувлар, “Одам савдоси — давр муаммоси” мавзюида турли маънавий-маърифий мулоқотлар, давра суҳбатлари уюштирилди. “Нурунийлар эъзозимизда” деб номланган акцияда уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олиниб, уларнинг уй юмушларига кўмаклашилди. Мўйноқ туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган “Ёшлар жонли ижро тарафдори” лойиҳасида танкили хонандалар, ёш ижрочилар томонидан дилрабо куй-қўшиқлар янгради. Қизгин мунозаралар, савол-жавобларга бой бўлган тадбир сўнида мусиқа мактабининг фаол ўқувчиларига “Камолот” кутубхонаси” туркумида чоп этилган бадиий асарлар тақдим қилинди.

Фестиваль доирасида Нукус шаҳрида Ёшлар марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. — Бу ердаги шарт-шароитларни кўриб, жуда қувондик, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси, “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонни соҳиби Парахат Жолдасбаев. — Давлатимизнинг бундай юксак гамхўрлиги бизни янгидан-янги марралар сари чорлайди. “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остидаги ёшлар фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи Нукус шаҳри марказидаги “Турон” стадионида бўлиб ўтган гала-концерт билан ниҳоясига етди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқоғи Кенгеси раиси М. Ернизов сўзга чиқди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



